

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 9, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 9, ISSUE 1



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2026-1>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Ўзбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шнукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масъул қотиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

Мўминова Маъсума Ғолиб қизи
ф.ф.д., (PhD) вб. доцент

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистан)

Якуб Умар оғли
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джўраев Маматкул
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Дўстмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Шнукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Ўзбекистан)

Муминова Масума Ғолиб қизи
PhD и.о. доцент

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarchodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammadov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

Mo'minova Ma'suma
PhD Acting Docent
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Tursunova Parvina Mamurjonovna NUTQIY HUSHMUOMALALIK IFODALANISHIDA YOLG‘ON ISHLATILISHINING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI (ISPAN TILI MATERIALLARI ASOSIDA).....	5
2. Умурова Гузал Хотамовна ПСИХОЛОГИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТВОРЧЕСТВА - ЗНАЧИМОСТЬ КОМПЛЕКСНОГО ПОДХОДА К ИЗУЧЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	10
3. Даминова Фазода Ирисовна ТЕОРЕТИКО-ИСТОРИЧЕСКИЕ И МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДРЕВНЕРУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	15
4. Рахматова Гулнора Турсиновна ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В УЗБЕКСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ: РЕЗУЛЬТАТЫ КОРПУСНОГО АНАЛИЗА.....	22
5. Усманова Салиха Юлдашевна ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ВВОДНО-МОДАЛЬНЫХ ЕДИНИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	32
6. Ибаев Анвар Журабекович ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ОККАЗИОНАЛЬНАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЁ ТИПЫ.....	41
7. Т.А.Эргашева СОЛИҚ РЕЗИДЕНТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДАГИ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	47
8. Nomozov Abdiaziz Mustaqimovich ARAB VA INGLIZ MUROJAAT SHAKLLARINING QIYOSIY-PRAGMATIK TAHLILI: ZAMONAVIY KOMMUNIKATSIYA KONTEKSTIDA.....	52
9. Davlatova Hulkaroy Uktamovna RAQAMLI MUHITDA BOLALIK: ZAMONAVIY SHAROITDA TIL O‘ZLASHTIRISH OMILLARI.....	58
10. Abdunazarova Maftuna Fakhriddinovna PRAGMATIC AND FUNCTIONAL ANALYSIS OF SPEECH ACTS IN DIALOGIC DISCOURSE.....	64
11. Nomozov Abdiaziz Mustaqimovich ARAB VA INGLIZ MUROJAAT SHAKLLARINING QIYOSIY-PRAGMATIK TAHLILI: ZAMONAVIY KOMMUNIKATSIYA KONTEKSTIDA.....	71
12. Nilufar Abduraxmonova, Abdullayeva Shakhnoza Rakhimjon qizi ONTOLOGICAL MODELING INFORMATION TECHNOLOGY TERMS IN UZBEK.....	77
13. Aybibi ISKANDAROVA O‘ZBEK KORPUSHUNOSLIGIDA PARALLEL KORPUSGA OID TADQIQOTLAR VA ULARNING LINGVISTIK AHAMIYATI.....	87
14. Abdullaeva Sanobar Bakhrillaevna THEORETICAL STUDY OF PHRASEOLOGY IN THE ANTHROPOCENTRIC PARADIGM.....	83
15. Воҳидов Абдувахоб САМАРҚАНД ТОЖИКЛАРИ ШЕВАСИ ФРАЗЕОЛОГИК ЖУФТ ТАРКИБЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	99
16. Усманова Салиха Юлдашевна, Мирзаева Шахло Ризаевна ИЗУЧЕНИЕ ГЛАГОЛОВ, СПОСОБНЫХ ПРИНИМАТЬ ПРЕДИКАТНЫЙ АКТАНТ.....	104

17. Zaynutdinova Durdona Asatovna ARTIFICIAL INTELLIGENCE AS A TOOL FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE IN ENGLISH LANGUAGE LEARNERS (Evidence from EFL Settings in the Republic of Uzbekistan).....	109
18. Atabayeva Zarnigor Bakhran kizi THE DEMONIZATION OF DORIAN GRAY: AESTHETICISM, MORAL DECLINE, AND THE DUALITY OF HUMAN NATURE IN VICTORIAN LITERATURE.....	118
19. Ochilova Noila Farmonovna O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGIDA “OTA”KONSEPTINING TALQINI.....	122
20. Abduraxmonova Sohiba Aktam qizi BOLALAR NUTQINING O‘RGANILISHI (ESKI NAZARIYALARDAN ZAMONAVIY YONDASHUVLARGACHA).....	126
21. Sharipov Raufjon Elmurod o‘g‘li AKADEMIK G‘ANIJON ABDURAHMONOVNING “TARIXIY SINTAKSIS” ASARIDA QO‘SHMA GAPLAR EVOLYUTSIYASI.....	130
22. Said-Axmedova Shoxista Nuritdinovna AGENTLIK TUSHUNCHASINING LINGVISTIK TADQIQI.....	135
23. Nilufar Abduraxmonova, Nilufar Botirova SIYOSIY SOHAGA DOIR TARJIMA LUG‘ATINI SHAKLLANTIRISHDA PARALLEL MATNLARNING KONTEKSTUAL TAHLILI.....	141
24. N.M.Shamuradova INGLIZ TILIDA SO‘Z ODOBINI IFODALOVCHI MAQOLLARNING DISKURSIV-PRAGMATIK XUSUSIYATLARI.....	148
25. Sevinch Sherzodovna Xolmirzayeva ITALYAN TILIDAGI KO‘P MA‘NOLI SO‘ZLARNING TARJIMADA MA‘NO FARQLANISHI.....	152
26. Башарова Лейла РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ И ВОСПРИЯТИЕ АНТРОПОМОРФНЫХ ЖИВОТНЫХ В ДЕТСКИХ КНИГАХ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СОЗНАНИЕ И РАЗВИТИЕ РЕБЕНКА.....	158
27. Ivanova Alena Yadmagieвна TACTILE GESTURES IN CHINESE EVERYDAY COMMUNICATION: TYPOLOGY, FUNCTIONS, CULTURAL MARKEDNESS.....	165
28. Ozoda Tojiboyeva, Xasanova Shaxodat Xamza qizi O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTIDA HADISLARDAN FOYDALANISH AN‘ANASI.....	175
29. Asqar Abdullaev SYNTACTIC STRUCTURES: ESSENCE, TYPES, AND STUDIES IN GLOBAL LINGUISTICS.....	180
30. Nuraliyeva Ozoda Narbayevna FOLKLOR MATNLARIDA IQLIM HODISALARINING RAMZIY BADIYATI.....	185
31. Сабина Авазжоновна Махмудова ОСОБЕННОСТИ РЕПРЕЗЕНТАЦИИ КОНЦЕПТА «ВОЙНА» В РОМАНЕ Р. ОЛДИНГТОНА «СМЕРТЬ ГЕРОЯ».....	193
32. Nasrullayev Javohirxon Ravshanxonovich RAQAMLI HUQUQIY MULOQOTDA YURIDIK TERMINLARNING IJTIMOY-LISONIY MOSLASHUVI.....	200




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Т.А.Эргашева

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчи
tursunoyergasheva83@gmail.com

СОЛИҚ РЕЗИДЕНТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДАГИ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.20581607>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада солиқ резиденти тушунчасининг халқаро солиқ ҳужжатларидаги прагмалинговистик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқот марказида Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ кодексларида бу атаманинг ҳуқуқий мазмуни, амалий қўлланилишидаги фарқлар ҳамда таржима жараёнида юзага келадиган муаммолар туради. Мақолада лингвистик ва ҳуқуқий таҳлил усуллари қўлланиб, атаманинг нотўғри талқин қилиниши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий ноаниқликлар ўрганилган.

Калит сўзлар. солиқ резиденти, прагмалинговистика, прагмалинговистик хусусиятлар, халқаро солиқ ҳужжатлари, таржима муаммолари, лингвистик таҳлил, ҳуқуқий таҳлил.

Т.А. Эргашева

Старший преподаватель кафедры иностранных языков
Ташкентского государственного экономического университета
tursunoyergasheva83@gmail.com

ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ НАЛОГОВОЕ РЕЗИДЕНТСТВО В МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОКУМЕНТАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются прагмалинговистические особенности понятия налоговое резидентство в международных налоговых документах. В центре исследования находятся правовое содержание этого термина и различия в его практическом применении в налоговых кодексах Узбекистана, России и США, а также проблемы, возникающие при переводе. В статье применяются лингвистический и юридический анализы, рассматриваются юридические неопределенности, возникающие из-за неправильного толкования термина.

Ключевые слова: налоговое резидентство, прагмалинговистика, прагмалинговистические особенности, международные налоговые документы, проблемы перевода, лингвистический анализ, юридический анализ.

T.A. Ergasheva

Senior Lecturer at the Department of Foreign Languages
Tashkent State University of Economics
tursunoyergasheva83@gmail.com

PRAGMALINGUISTIC ANALYSIS OF THE CONCEPT OF TAX RESIDENCY IN INTERNATIONAL DOCUMENTS

ABSTRACT

This article examines the pragmalinguistic features of the concept of tax residency in international tax documents. The study focuses on the legal content of this term, differences in its practical application in the tax codes of Uzbekistan, Russia, and the USA, as well as issues that arise during translation. The article employs both linguistic and legal analysis methods, investigating legal uncertainties caused by the misinterpretation of the term.

Keywords: tax residency, pragmalinguistics, pragmalinguistic features, international tax documents, translation issues, linguistic analysis, legal analysis.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви билан бирга, солиқ юрисдикциялари ўртасидаги чегаралар кенгайиб, корпорацияларнинг фаолияти бир нечта давлат ҳудудини қамраб олмоқда. Бундай шароитда солиқ резиденти тушунчаси жисмоний ёки юридик шахслар учун асосий солиқ мажбуриятларини белгиловчи марказий ҳуқуқий механизмга айланди. У қайси давлат шахсининг барча даромадларини солиққа тортиш ҳуқуқига эга эканлигини, солиқ ставкаларини ва хорижда тўланган солиқларни ҳисобга олиш имконини аниқлайди. Шу сабабли, бу тушунчанинг халқаро ҳужжатларда аниқ ва бир хил талқин этилиши нафақат ҳуқуқий аниқлик, балки давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур восита ҳисобланади.

Шуни аҳолида таъкидлаш лозимки, лингвистик жиҳатдан, солиқ резиденти атамаси турли тил ва ҳуқуқий тизимларда турлича семантик ва прагматик мазмун касб этади. Бу эса унинг таржимаси ва талқинида мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Прагмалингвистика нуқтаи назаридан, солиқ резиденти атамаси уни халқаро солиқ шартномалари, конвенциялар ва давлатларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги ўрни ва функцияси билан белгиланади. Ушбу мақола солиқ резиденти тушунчасининг прагмалингвистик жиҳатларини, яъни унинг халқаро солиқ ҳужжатларида қандай ишлатилиши ва таъсир кўрсатишини Ўзбекистон, Россия ва АҚШ мисолларида чуқур ўрганишга қаратилган.

Солиқ резиденти тушунчасининг халқаро тадбиқи унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ. Халқаро амалиётда асосан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) солиққа оид халқаро конвенциялари бу тушунчанинг талқини учун асос бўлиб хизмат қилади. OECD Модел Конвенциясининг

4-моддасида “Резидент” “...ўша давлат қонунларига кўра, маскан, резиденция ёки бошқа шунга ўхшаш мезонлар туфайли солиқ тўлашга мажбур бўлган шахс” деб таърифланади. Ушбу таъриф жуда кенг ва мослашувчан бўлиб, унинг ижроси уни қўллаган давлатнинг ички қонунчилигига қараб фарқ қилиши мумкин.

Ана шу кенглик ва мослашувчанлик хусусиятлари “резидент” атамасининг прагматик мазмунини турли юрисдикцияларда жуда фарқли бўлишига замин яратади. БМТнинг модел конвенцияси эса кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун мослаштирилган бўлиб, манба давлатининг даромад манбаидаги солиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилади. Демак, халқаро контекстда “солиқ резиденти” тушунчаси аллақачон ўзида бир нечта имкониятни турли таъриф ва мезонларнинг мавжудлигини қўллаб-қувватлайди, бу эса унинг таржимаси ва талқини учун муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Солиқ резиденти (Tax Residency) атамаси халқаро солиқ ҳуқуқида энг асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Чунки шахс ёки юридик шахснинг қайси давлатда резидент ҳисобланиши унинг солиқ тўлаш мажбуриятларини тўлақонли белгилаб беради. Халқаро амалиётда солиқ резидентлиги куйидаги икки асосий мезонга таянади:

Худудий мезон – шахснинг муайян давлат ҳудудида йил давомида қанча кун бўлгани.

Ҳуқуқий мезон– фуқаролик, яшаш ҳуқуқи), ёки “green card” каби ҳуқуқий мақом.

Бу тушунчалар турли давлатларнинг солиқ қонунчилиқ тизимларида турлича шаклда ифода этилган ва атамаларда фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ кодексларида “солиқ резиденти” тушунчасининг прагматик мазмунини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Солиқ кодексининг 30-моддасига кўра, тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами 183 календарь кундан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилади. Бу таъриф содда, аниқ ва амалиётда осон қўлланилиши мумкин. Аммо у фуқаролик, доимий яшаш жойи ёки бошқа ҳуқуқий мезонларни инобатга олмайди. Прагматик жиҳатдан, бу таъриф чет эл инвесторлари ва вақтинча ишлайдиган мутахассислар учун аниқлик яратади. Агар 183 кундан кам бўлсангиз, резидент эмассиз. Лекин, бу бир вазиятда ноаниқлик ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, Ўзбекистон фуқароси бошқа мамлакатга кўчиб ўтган бўлса-да, агар йил давомида 183 кундан ортиқ вақтни Ўзбекистонда ўтказса, у ҳали ҳам Ўзбекистон резиденти бўлиб қолади. Юридик шахслар учун эса, резидентлик асосан Ўзбекистонда ташкил этилганлиги асосида аниқланади.

Россия Федерациясида ҳам асосий мезон 183 кундир (Налоговый кодекс РФ, Статья 207). Аммо “солиқ резиденти” атамасининг прагматик мазмунига фуқаролик ва мақом омиллари ҳам ҳисобга олинади. Натижада, рус тилидаги “налоговый резидент” атамаси ўзбек тилидаги “солиқ резиденти”га нисбатан бироз кенгроқ мазмунга эга бўлиши мумкин. Юридик шахслар учун резидентлик Россияда ташкил этилганлиги ёки бошқарув жойи Россияда жойлашганлиги асосида аниқланади.

АҚШда солиқ резидентини аниқлаш тизими анча мураккаб ва иккита асосий мезонга яъни тестларга асосланган. Биринчи тест “Substantial Presence Test” бўлиб, у жисмоний шахснинг ҳозирги календарь йилда ва ундан олдинги икки йилда АҚШда бўлган кунларини мураккаб формула асосида ҳисоблайди. Иккинчиси “Green Card Test” бўлиб, АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи “Green Card”га эга шахслар автоматик равишда АҚШ резиденти ҳисобланади. Ундан ташқари, АҚШ фуқаролари қаерда яшашидан қатъий назар де-факто доимий резидент ҳисобланади. Демак, АҚШ контекстида “солиқ резиденти” атамаси фақат вақт мезонини эмас, балки фуқаролик ва мақом омилларини ҳам ўз ичига олади. Юридик шахслар учун эса, резидентлик АҚШда ташкил этилганлиги ёки бошқаруви АҚШда амалга оширилиши асосида аниқланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ қонунчилигида солиқ резиденти атамасининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Қиёсий таҳлил 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ қонунчилигида резидент атамасининг қиёсий таҳлили

Давлатлар номи	Ўзбекистон	Россия	АҚШ
Асосий мезон	183 кун	183 кун	183 кун + Green Card
Фуқаролик таъсири	Йўқ	Мавжуд (айрим ҳолларда)	Бор (фуқаро автоматик резидент)
Юридик шахсларда	Ташкил этилган давлат	Ташкил этилган давлат + бошқарув жойи	Ташкил этилган давлат + бошқарув маркази

Истиснолар	Кам	Давлат хизматчилари учун	АҚШ фуқаролари учун ҳар доим
------------	-----	--------------------------	------------------------------

Жадвалда келтирилган маълумотларга қўра солиқ резиденти атамаси уч давлатда ҳам мавжуд бўлиб, аммо унинг мазмуни турлича шаклланган экан.

Асосий фарқларга Ўзбекистон ва Россия Европача стандартни (183 кун мезони) қўлласа, АҚШда қўшимча равишда фуқаролик ва “green card” мезонлари ҳам ишлашини эканлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро солиқ шартномаларида “солиқ резиденти” атамаси аниқ таъриф билан ёрдамчи бандлар орқали ифода этилади. Бунда солиқ резиденти атамасининг тил ва таржима муаммоларига ҳам эътибор қаратиш лозим, Амалиётда таржима қийинчиликлари куйидагиларни киритиш мумкин. “Resident” сўзи рус ва ўзбек тилида “резидент” сифатида ишлатилади, аммо ҳуқуқий мазмунда фарқли, Ўзбекистон солиқ кодексига – фақат кунлар асосида, Россия солиқ кодексига – кунлар + айрим ҳуқуқий ҳолатлар ҳамда АҚШда – кунлар + фуқаролик + green card.

Шунинг учун халқаро шартномалар таржимасида “резидент” атамаси албатта ҳуқуқий таъриф билан бирга берилмоқда. Резидент атамаси таржимасида ҳуқуқий контекстдан узилган ҳолда фақат “резидент” сўзини қўллаш нотўғри талқинларга олиб келиши мумкин.

Солиқ резиденти атамаси турли мамлакатлар учун турлича ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, АҚШ фуқароси Ўзбекистонда 120 кун ишлаб даромад олган деб фараз қилайлик. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича (183 кундан кам), у Ўзбекистоннинг солиқ резиденти эмас. Шу сабаб, у фақат Ўзбекистонда олган даромади учунгина солиқ тўлайди. Лекин, АҚШ қонунчилиги бўйича у АҚШ резиденти бўлиб қолади ва жаҳон бўйича олган барча даромади (шу жумладан Ўзбекистонда олган даромади) учун АҚШда ҳам солиқ декларацияси тўлдириши шарт. Бу ноаниқлик ва келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Яна бир муаммо “резидент” атамасининг фонетик таржимаси унинг чет тилларидан ўзлаштирилганлиги ҳақида иллюзия яратади. Жисмоний шахслар “резидент” сўзи ўзбек ёки рус тилида мустақамлангани учун унинг мазмуни ҳам бир хил, деб ҳисоблаши мумкин. Аммо прагматингвистик таҳлил шуни кўрсатадики, атаманинг ташки шакли бир хил бўлса-да, унинг амалий мазмуни ва таъсири жуда фарқли бўлиши мумкин. Бу эса “сўзма-сўз” таржиманинг чекловларидан дарак беради.

Солиқ ҳужжатларида атамалар нафақат ички ҳуқуқий муносабатларда, балки халқаро муносабатларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, икки давлат ўртасида тузилган “солиқдан икки томонлама озод қилиш тўғрисидаги битим”да “резидент” атамаси ҳар икки давлат қонунчилигида бир хил талқин қилиниши керак. Акс ҳолда, шартнома ижросида келишмовчиликлар юзага келади.

“Солиқ резиденти” тушунчасининг прагматингвистик таҳлилини амалга оширишда ва нотўғри талқин этилишидан келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этиш учун халқаро шартнома ва конвенциялар куйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир:

- Халқаро ташкилотлар (ОЕСД, БМТ) томонидан солиқ соҳасидаги атамаларнинг турли тиллардаги стандартлаштирилган таржималарини ўз ичига олган луғатлар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш амалий ёрдам беради;

- Ҳар бир халқаро ҳужжатда “солиқ резиденти” тушунчаси фақат сўзма-сўз таржима билан эмас, балки изоҳлар ва ёрдамчи бандлар орқали батафсил таъриф қилиниш мақсадга мувофиқ;

- Халқаро шартномаларнинг таржималарида асл матн билан бирга қўшимча изоҳлар ва тушунтиришлар бериш, айниқса “солиқ резидент” каби кўп маъноли ва контекстга боғлиқ атамалар учун фойдали бўлиши мумкин;

- Таржима жараёнида тўғридан-тўғри таржима билан бирга, маъноий адаптация ва тушунтириш усулларида фойдаланиш лозим. Атаманинг фонетик кўчирилиши зарур бўлса-да, унинг асосидаги ҳуқуқий мазмунни тушунтириш анча муҳимдир.

Умумий хулоса қилиб айтганда, “солиқ резиденти” тушунчаси фақат атама эмас, балки кучли прагматик таъсирга эга ҳуқуқий инструментдир. Унинг халқаро ҳужжатлардаги ишлатилишида лингвистик аниқлик билан бирга ҳуқуқий аниқликка эришиш мақсадида унинг турли миллатлар қонунчилигидаги мазмуний фарқларини инобатга олиш зарур. Ўзбекистоннинг содда ва аниқ “183 кун” мезони, Россиянинг чегараланган истиснолар билан бойитилган талқини ва АҚШнинг мураккаб ва кўп омилли тизими “резидент” атамасига ҳар бир юрисдикцияда ўзига хос прагматик мазмун беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Солиқ резиденти” тушунчаси фақат ҳуқуқий категория эмас, балки халқаро солиқ муносабатларини тартибга соловчи кучли прагматик воситадир. Унинг семантик ва прагматик таҳлили халқаро солиқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш, таржима қилиш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун зарурдир. Шунинг учун, халқаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш ва ҳуқуқий низолардан қочиш йўлида “солиқ резиденти” тушунчасини таржима ва талқин қилишда контекстга нисбатан сезгир ва илмий асосланган ёндашувни қўллаш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида тилшунослик ва ҳуқуқшуносликнинг ўзаро интеграцияси замонавий халқаро муносабатларда солиқ атамаларининг тўғри талқини ва қўлланилишини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент, 2020. www.lex.uz
2. Налоговый кодекс Российской Федерации. – Статья 207. www.nalog.ru
3. U.S. Internal Revenue Code. <https://www.irs.gov/privacy-disclosure/tax-code-regulations-and-official-guidance>
4. OECD Model Tax Convention on Income and on Capital. <https://www.oecd.org/en/topics/oecd-model-tax-convention-on-income-and-on-capital>.
5. Алексеев, М.Ю. Халқаро солиқ ҳуқуқи асослари. – М.: Юрист, 2019.
6. Петрова В. Н. Сопоставительный анализ налоговой терминологии. – Москва: Финансы и статистика, 2020.
7. Щетинин Р. Б. Налоговая терминология: лингвистический и правовой аспекты. – Екатеринбург: 2021.
8. Хаванова И. А. Прагмалингвистический анализ налоговых терминов в международных договорах / И. А. Хаванова // Вестник Московского университета. Серия 22. Теория перевода. — 2019. — № 4. — С. 78–92.
9. Charles J. Fillmore Frame Semantics In *Linguistics in the Morning Calm*, Seoul, Hanshin Publishing Co., 111-137. 1982 y.
10. Christians A. Networks, Norms and National Tax Policy / A. Christians // University of Wisconsin Law School. — 2016. — 35 p.
11. Gonzalez S. A. Linguistic Challenges in International Tax Law: A Pragmatic Analysis / S. A. Gonzalez // World Tax Journal. — 2018. — Vol. 10, No. 2. — P. 45–67.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000